INV №

УШБУ СОНДА:

2 **КЕЛАЖАК ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ**

3 **“ЙЎҚОЛГАН” КРЕДИТ**

**ДЕКЛАРАЦИЯ ТОПШИРИШНИ УНУТМАДИНГИЗМИ?**

4 **ҲАСАД ЎТИ**

**MEZON:**

Иш берувчиларнинг, шунингдек, меҳнат фаолиятини меҳнат шартномаси асосида амалга оширувчи фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этиши, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, мажбурийдир.

Якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда деҳқон хўжаликларининг аъзолари, шунингдек, бошқа фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этадилар.

“ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН, 6-МОДДА.

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 11 (417)
2005 йил
29 март
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

# СУД ИСЛОҲОТЛАРИ ИСТИҚБОЛИ

***Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис палаталарининг биринчи қўшма мажлисидаги маърузасида ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги концепцияси амалда жорий қилингани, судларнинг жиноий, фуқаролик ишлари бўйича ихтисослашуви амалга оширилгани, ишларни судларда кўриб чиқишнинг қатъий муддатлари белгиланганини қайд қилиб, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича ҳали ечимини кутиб турган жиддий муаммолар борлигини, бу муаммолар, биринчи галда, судларнинг мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш билан боғлиқлигига эътибор қаратди.***



Дарҳақиқат, қонун ва адолатни кафолатлайдиган мустақил, эркин суднинг жамиятимиздаги ўрни беқиёсдир. Кучли суд ислоҳотлар жараёнида мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга ёрдам беради. Ишончли суд тизимисиз ишбилармонлик, фермерлик ҳаракати ҳимоясини таъминлаб бўлмайди. Самарали суд тизими демократик қадриятларни ҳимоя қилишда ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Ҳозирги шиддатли давр бу соҳадаги ислоҳотларни янада такомиллаштиришни, уни янги сифат босқичига олиб чиқишни тақозо этмоқда. Зотан, суд ислоҳотлари йўналишидаги вазифаларни янада чуқурлаштириш ва унга мувофиқ суд корпусини шакллантириш, суд тизими олдида турган муаммоларни аниқлаш ва ислоҳ қилиш, суд, прокуратура, адлия идоралари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларга оид масалаларни тўла-тўкис ҳал этиш лозим. Суд қандайдир идоравий манфаатларнинг эмас, балки соғлом фикр ва инсонийлик посбони бўлиши керак.

Шўро даврида суд давлатнинг жазо маҳкамаси сифатида фаолият кўрсатган эди. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, **булар барчаси одамлар онгига чуқур ўрнашиб қолган. Бизнинг вазифамиз ушбу кўникмаларни, психологияни синдириш, одамларнинг судга муносабатини тубдан ўзгартиришдан иборат. Халқ судни фақат одамларни қоралайдиган, жазолайдиган орган деб эмас, аксинча, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қиладиган орган, деб билиши керак.**

Давлатимиз раҳбарининг бу кўрсатмаларига амал қилган ҳолда иш тутилиши туфайли суд идораларига фуқаролик ишлари бўйича мурожаат қилувчи шахсларнинг сони йилдан йилга ошмоқда, улар судларни ўзларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи идора эканини тушуниб етмоқда.

Фуқароларда судга нисбатан бундай ижобий ўзгаришларнинг юзага келиши Конституция ва бошқа қонунларимизда инсон манфаатларининг давлат, жамият манфаатларидан юқорига қўйилиши натижасидир. Буни фуқаролик процессуал қонунчилигида судда ишларнинг кўрилиши билан боғлиқ вазифаларда кўриш мумкин. Процессуал қонунчилик фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари, эркинлик ва манфаатларини, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ўзи-ни-ўзи бошқариш идоралари ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини холис, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этишдан иборат. Шунингдек, суд идоралари қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, демократия, ижтимоий адолат, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга кўмаклашиши лозим. Шу боисдан ҳам, судлар бундай масъулиятли ишларни амалга оширишда ҳар томонлама мустақил бўлмоғи керак.

Таъкидланганидек, ушбу йўналишда бир қатор ишларни амалга ошириш лозимлиги давр талаби бўлиб қолмоқда. Хусусан, ҳозирда судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича демократик усуллар ишлаб чиқилган. Бу борада **“Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида”**ги Президентнинг 2004 йил 24 сентябрдаги Фармони муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур фармон бўйича тасдиқланган Низомга кўра, судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш Олий малака комиссияси томонидан тартибга солинмоқда.

Мазкур комиссиядан ташқари жойларда судьяларнинг малака ҳайъатлари ҳам мавжуд бўлиб, тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раислари бу ҳайъатларга раҳбарлик қилишади. Улар кадрларни судьялар заҳирасига олиш, тавсия этилган шахслардан ҳужжатлар қабул қилиш, тайёрлаш ва малака ҳайъатида кўриб чиқишга киритиш каби вазифаларни бажаради.

**(Давоми иккинчи бетда)**

## СЕШАНБАДАН СЕШАНБАГАЧА

### МАМЛАКАТИМИЗДА

*“Қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш тўғрисида”ги Президент Фармони эълон қилинди.*

* * *

*Тошкентдаги Халқаро бизнес марказида “Сифат бўйича менежер” ихтисослашган клубининг очилиш маросими бўлиб ўтди.*

* * *

*Пойтахтимизда Марказий Осиё мамлакатлари билан Япония ўртасида маданият ва сайёҳлик соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантиришга бағишланган халқаро симпозиум бўлиб ўтди.*

* * *

*Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ”ида “Озиқ-овқат саноати — Uz Food-2005” халқаро кўргазмаси иш бошлади. Бешинчи бор ўтказилаётган ушбу нуфузли кўргазмада дунёнинг 12 мамлакатидан 50 дан ортиқ фирма ва компаниялар ўз маҳсулотлари билан қатнашмоқда.*

### ХОРИЖДА

*Татаристон давлат кенгаши республика президенти лавозимига Минтемир Шаймиев номзодини тасдиқлади. Мазкур номзодни тасдиқлаш учун 99 нафар депутатдан 89 нафари ижобий жавоб берди.*

* * *

*Франция парламенти ҳафта иш соатлари чегараланишини кўзда тутувчи қонунни бекор қилиш учун овоз берди. Аввал Францияда бир ҳафтада иш соати миқдори 35 соатдан ошмас эди. Янги қонунга биноан хусусий компаниялар иш соати миқдорини 48 соатгача ошира олади. Бу қонун хусусий секторгагина тегишли.*

* * *

*Ливаннинг Каслик шаҳри савдо марказида рўй берган портлаш оқибатида 2 киши ҳалок бўлди ва 3 нафар киши жароҳатланди. Каслик Байрут шаҳридан 15 километр узоқликда жойлашган. Бу ерда асосан насроний динига мансуб аҳоли яшайди.*

* * *

*АҚШнинг Техас штатидаги нефтни қайта ишловчи йирик заводда портлаш содир бўлди. “British Petreleum”га тегишли бу заводда юзага келган портлаш оқибатида 14 нафар киши ҳалок бўлган, 100 нафарга яқин одам турли даражадаги тан жароҳати олган.*

* * *

*Тўхтовсиз ёққан ёмғир натижасида Афғонистоннинг жанубий ва ғарбий ҳудудларида юз берган сув тошқинлари 220 нафар кишининг умрига зомин бўлди. Бедарак йўқолганларни қидириш ва зарар кўрганларга ёрдам бериш ишлари давом этмоқда.*

* * *

*Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси одамни клонлаштиришни тақиқлаш тўғрисида декларация қабул қилди.*

* * *

*Япония 2025 йилда учувчи орқали бошқариладиган космик кемани ойга учиришни режалаштирмоқда.*

***Она замин узра кўклам яна ўзининг ям-яшил сепини ёйди. Яратиш, янгиланиш палласи, далада деҳқончилик ишларининг дебочаси, меҳр-муруввват, қадриятлар тимсоли ва эзгулик айёми — Наврўз сайлининг кўнгилларга солган қувончи одамларнинг ҳали-ҳамон тарк этгани йўқ. Ота-боболаримиз Наврўз кунларида эзгу тилаклар, яхши ниятлар билдирилса, у йил бўйи одамга ҳамроҳ бўлади, дейишади.***



# БОР БЎЛ, САХОВАТ!

Наврўз кунларида ким билан суҳбатлашманг, мавзу ўз-ўзидан халқ тинчлиги, юрт ободлиги, қадриятларимиз улуғлиги, меҳр-оқибатлиликка бориб тақалади. Пастдарғом тумани ҳокими А.Жўраев билан суҳбатимиз туманда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотлар, илғор фермер хўжаликлари хусусида бораётганди. У “Ўрта Чимбой” ва “Қаерма сой-МРБ” фермер хўжаликларининг номларини алоҳида тилга олди.

“Ўрта Чимбой” фермер хўжалиги 2003 йилда давлат рўйхатига олинган. Унга Собир Раҳимов номидаги ширкат хўжалиги майдонларидан 450 гектар ер ажратиб берилган. Ўтган икки йилда фермер хўжалиги хусусий мулкчилик шакли ҳар жиҳатдан афзал эканини исботлади. Биргина ўтган 2004 йилда фермер хўжалиги аъзолари 630 тонна дон, 512 тонна пахта тайёрлаган. Йил давомида 135 миллион сўм харажат қилиб, даромад 150 миллион сўмни ташкил этган. Соф фойда-15 миллион сўм. Фермер хўжалиги ихтиёрида шартномадан ташқари етиштирилган 203 тонна дон қолган.

Собиқ ширкат хўжалиги маъмурий биноси фермер хўжалигининг ҳисобида эди. «Баҳор» қишлоғида уч юз хонадон яшайди. Қишлоқ болалари мактабга қўшни қишлоққа қатнашади.

— **Ҳайҳотдек катта маъмурий бинога ҳар куни бир марта кириб чиқиладими-йўқми бўш турганидан нима фойда,** — дейди фермер хўжалиги раҳбари Раҳмон Қўчқоров биз билан суҳбатда. — **Шунинг учун туман халқ таълими бўлими раҳбарларига учрашиб маъмурий бинони мактабга айлантириш таклифини айтдим. Бу уларга маъқул тушди. Бинони мактабга мослаштриш ва таъмирлаш учун икки юз туп терак бердик. Ҳозир қишлоғимизнинг тўрт юз нафардан зиёд ўғил-қизлари ана шу тўққиз йиллик таянч мактабда сабоқ олишмоқда.**

Зах сувнинг ер юзасига кўтарилиши ҳар қандай бино учун офат. Қўшни қишлоқдаги 34-умумий ўрта таълим мактаб ёнидаги далаларда зах кўтарила бошлаганидан фақат ўқитувчилар эмас, шу атрофдаги хонадонларда яшовчилар ҳам ташвишда эди. Фермер хўжалиги раҳбари Р.Қўчқоров бунинг йўлини топди. У тегишли идора билан шартнома тузиб, зовур қаздирди. Ер остидан кўтарилаётган зах чекинди, ўзанни ўзгартирди. Бу билан даланинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бундан ташқари, мактабнинг спорт зали деворлари қуриб битказилиб, устини ёпиш чала қолган эди. Фермер хўжалиги бу ишни ҳам охирига етказиб берди.

“Ўрта Чимбой” фермер хўжалиги 2005 йил учун “Жумапахта” очиқ турдаги акциядорлик жамияти билан давлатга 528 тонна пахта етказиб бериш юзасидан контрактация шартномаси тузган. Шунингдек, айни чоғда 160 гектар майдонда ғалла майсалари парвариш қилинмоқда. Ерлари текис эмас. Қиялик ерларда ҳосил ундириш текис майдондагидан ўн чандон қийин. Биз борган пайтимизда фермер хўжалиги раҳбари аъзолари билан туман тайёрагоҳига кетишганини айтишди. Уларни ўша ерда учратдик.

— Ҳозир ғалла майдонига кириб бўлмайди, — деди Р.Қўчқоров, — Агар трактор билан минерал ўғит сепмоқчи бўлсак, уч-тўрт центнер ҳосилни бой берамиз. Кеча қишлоқ хўжалик авиациясини гаплашиб қўйгандик. Самолётларда ярим кунда ғаллага ўғит сепиб оламиз...

Сахийлик ва саховат кўрсатиш бировдан сўраб олинмайди. Агар шундай қилинса, ойнага дарз етганидек, унинг юзига доғ тушади. Пастдарғомда худди “Ўрта Чимбой” фермер хўжалигидек юрт ташвишини енгиллатаётган, эл корига ярашни ўзининг фарзандлик бурчи деб биладиган фермерлар яна топилади. Жумладан, Раҳмон ака Муродов раҳбар бўлган “Қаерма сой-МРБ” фермер хўжалиги ҳам шундай фермерлари сирасига киради.

**Muruvvat**

Ширкат хўжалиги тугатилаётганда унинг 50 миллион сўм қарзини узиш фермер хўжалигининг чекига тушганди. Яқин кунларда ана шу қарз тўлаб бўлинади. Қолаверса, фермер хўжалиги ўз маблағи ҳисобидан 80-таянч мактаб биноси устини қайта таъмирдан чиқарган. Мактабга спорт жиҳозлари олиб берган. Дала шийпонини қайта капитал таъмирлаб, 60 ўринли болалар боғчаси ташкил этган. Фермер хўжалигининг аъзоси Т.Искандаров шароити оғир ер майдонида ғалладан ўтган йили 46 центнердан ҳосил олганди. Унга рағбат сифатида фермер хўжалиги ҳисобидан енгил автомашина олиб беришди.

Бир томонда фермер хўжалигининг катта харажатлари ҳар доим “мана, мен” деб туради. Умумий ер майдонининг 80 фоизи электр сув насослари орқали суғорилади. Бу ортиқча чиқимдорлик дегани, албатта. Минерал ўғит, уруғлик, нефть маҳсулотлари, эҳтиёт қисмлар, аъзоларнинг меҳнат ҳақлари, коммунал тўловлар... Санайверсанг харажатлар кўп. Лекин улардан орттириб саховат кўрсатиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бу фақат танти ўзбек деҳқонига хос фазилат.

Ўлкамизда Наврўз нафаси кезиб турган шу кунларда саховатли тадбиркорлар хусусида ёзиш жоиз кўринди. Бундайлар мамлакатимизнинг ҳар бир бурчагида топилади. Бор бўл, саховат!

**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

**Huquqiy himoya**

***2001 йилнинг 19 августида “Жиноий жазоларни либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонуннинг қабул қилиниши нафақат жазо тизимида, балки инсонлар онги ва тақдирида ҳам муҳим аҳамият касб этди. Зеро, мазкур ўзгартиришлар аввало инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини қонуний кафолатлаши билан бирга ўзида инсонпарварлик тамойилларини акс эттиради.***

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

## КАФОЛАТ ВА ИМКОНИЯТ

Эндиликда судлар иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишларини кўришда тергов ва суд давомида келтирилган зарарларни тўлиқ қоплаган ва зарарларни қоплаш чораларини кўрган шахсларга нисбатан Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги **“Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”**ги қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чоралари тайинламоқда. Бунга бугунги ҳаётимиздан кўп мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, Поп туманида яшовчи Аҳмаджон Тўйчиев нефть омборининг ходимлари билан жиноий тил бириктиради. Улар бир гуруҳ бўлиб, 481112 сўмлик 29496 литр нефть маҳсулотларини 450 минг сўмга сотиб, катта миқдордаги давлат мулкини талон-тарож қилишади. Натижада унга жиноят ишлари бўйича Поп тумани судининг 2003 йил 11 декабридаги ҳукмига кўра, Жиноят кодексининг 167-моддаси, 2-қисми билан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланади. Бироқ унга нисбатан жиноят ишини апелляция-судлов ҳайъатида кўриш жараёнида келтирилган моддий зарар қоплангани муносабати билан суд ҳукми ўзгартирилади. Судланувчига тайин этилган жазо 2 йил ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилади.

Мисолни давом эттирадиган бўлсак, жиноят ишлари бўйича Учқўрғон тумани суди томонидан Жиноят кодексининг 182-моддаси, 2-қисми, 184-моддаси, 2-қисми билан айбланган Маъруф Домлажоновга 5 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган эди. Мазкур жиноий иш судланувчининг шикояти билан апелляция босқичида 2004 йилнинг 5 февралида кўрилган. Апелляция даврига қадар келтирилган зарар қопланганлиги сабабли судланувчига тайин этилган қамоқ жазоси 3 йил ахлоқ тузатиш ишига алмаштирилди.

Айбланувчи Абдусаттор Абдураҳмонов жиноят ишлари бўйича Уйчи тумани суди томонидан судланган. Унга нисбатан Жиноят кодексининг 184-моддаси, 3-қисми, 189-моддаси, 3-қисми ҳамда 190-моддаси, 205-моддалари билан айблар қўйилган. Судланувчи давлатга етказилган 5.315.920 сўм зарарнинг асосий қисми, яъни 4.356.900 сўмни суд жараёнида қоплагани боис унга нисбатан суд томонидан жарима жазоси тайинланди. Эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, қамоқ жазосидан озод қилинди.

Хулоса ўрнида айтсак, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши истиқлол яратган салмоқли имкониятлардан биридир. Зеро, Жиноят, Жиноят процессуал ва «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий демократик ислоҳотлар тараққиёти йўлидаги дадил қадамлар ҳисобланади. Тарихий ўзгаришлар адолат ва инсонпарварлик тамойилларига асосланган изчил ҳуқуқий ислоҳотларнинг ёрқин ифодасидир. Бу ўринда суд-ҳуқуқ соҳасидаги жиноий жазоларни либераллаштириш тадбирлари вақтинчалик жараён бўлмасдан, балки одил судловни тайинлаш борасидаги давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишининг асосини ташкил қилаётганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

**Гулнора ОХУНОВА,**
**ҳуқуқшунос**

**Ajab savdolar**

***Тонгда Термиз шаҳрига отланган якка тадбиркор Ш. Омонов турмуш ўртоғи Дилрабо Рашидовага харидорга касса аппаратидан чек уриб беришни ёддан чиқармасликни қайта-қайта эслатиб, эҳтиёт бўлишни тайинлади. Серфарзанд оила бекасининг эрталабки юмушлари бир дунё бўлади. Катталарини мактабга кузатиш, кичкиналарини боғчага элтиб қўйиш деганларидек, Дилрабо опа рўзғор ташвишлари билан вақт ўтиб кетганини сезмай ҳам қолди. Фарзандлари Юлдуз, Жамолиддин, Моҳираларни уйидан анча узоқда жойлашган болалар боғчасига қўйиб қайтганида соат тўққиз яримга яқинлашиб қолганди...***

# ҒАРАЗЛИК КАСРИ

Дилрабо Рашидова дўкончани очиб ичкарига кирганда қўшни дўкондаги танишлари Жамшид Холиёров, Сабоҳат Тўраева, Исмоил Омонтурдинов одатдагидек ҳол-аҳвол сўрашиш учун дўконга киришди. Буни қарангки, айни шу пайт нотаниш бир ёш йигит кириб, дастлабки савдони бошлади. Сотувчи харидор сўраган бир дона 150 сўмлик ручка, 2 дона 100 сўмлик радио батарейкаси, 1 дона 50 сўм турадиган сақични бергач, касса аппаратидан 400 сўмлик чек уриб, уни пештахта устига қўйди. Лекин харидор чекни олмасдан дўкондан чиқиб кетди. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, дўконга ҳалиги харидор ва икки фуқаро киришиб, ўзларининг монополия ходимлари эканини айтишиб, текшириш учун ташриф буюришганини ва сотувчидан харидорга нега чек бермаганини суриштира бошлашди. Дилрабо опа пештахта устидан ҳозиргина биринчи савдо учун касса аппаратида урилган чекни уларга кўрсатди. Агар текширувчилар ишонмаса, харид пайтида дўконда бўлган гувоҳлари Ж.Холиёров, С.Тўраев ва И.Омонтурдиев кўриб туришганини, харидорга чек берилгани, лекин у негадир чекни олмасдан чиқиб кетганлигини қайта-қайта тушунтиришга ҳаракат қилди.

**(Давоми иккинчи бетда)**

# ТЕНДЕР:

## ЕР АЖРАТИШНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСИ

Ер бебаҳо табиий неъмат ҳисобланади. Шу боис уни асраб-авайлаш, ундан оқилона фойдаланишга ҳар бир давлат қонунчилигида алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан,мамлакатимиз Конституциясининг 55-моддасида ер умуммиллий бойлик экани ва ундан оқилона фойдаланиш зарурлиги кафолатланган. Шунингдек, Ер кодексининг 1-моддасида ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб ердан илмий асосланган тарзда, оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва оширишни, табиий муҳитни асраш ва яхшилашни, хўжалик юритишнинг барча шаклларини тенг ҳуқуқлилик асосида ривожлантириш учун шароит яратишни, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ер муносабатларини тартибга солишдан, шунингдек, бу соҳада қонунчиликни мустаҳкамлашдан иборатлиги таъкидланган.

Ана шу қонуний талаблардан келиб чиқиб мамлакатимизда ерларни танлов асосида ўз эгаларига ажратиб бериш йўлга қўйилди. Дастлаб **“2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”**ги ҳукумат қарорида тугатилаётган, зарар кўриб ишловчи, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкатлар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари негизида фермер хўжаликлари ташкил этилиши, ер участкалари фермерларга танлов асосида ижара муддати давомида мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан узоқ муддатли (эллик йилгача) ижарага берилиши, фермер хўжалиги ер участкасидан ижара шартномасида белгиланган мақсад ва шартларга мувофиқ мақсадли, самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлаши шартлиги каби, муҳим қоидалар белгиланди.

**Fermerlarga maslahat**

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган **“Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида”**ги Низомда ер участкаларини фермер хўжаликларига танлов асосида ижарага бериш тартиби баён этилган.

**(Давоми иккинчи бетда)**

Mitti maslahat

# ХИЗМАТ САФАРИГА ЮБОРИШДАГИ ИМТИЁЗЛАР

**Ҳар бир корхона, муассаса, ташкилотда иш зарурати билан ходимларни хизмат сафарига юбориш одатий бир ҳолдир. Хизмат сафари деганда, ходимнинг иш берувчининг буйруғига биноан, муайян муддатга доимий иш жойидан бошқа жойга хизмат топшириғини бажариш учун бориши тушунилади. Аммо қонунчиликда хизмат сафарига юборишда бир қатор ҳолларда айрим енгилликлар ҳам белгиланган. Жумладан, Меҳнат кодексининг 228-моддасига биноан ҳомиладор ва 14 ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни хизмат сафарига юбориш мумкин эмас. 3 ёшдан 14 ёшгача болалари бўлган (16 ёшгача ногирон болалари бўлган) аёллар эса фақат ўзларининг розиликлари билан хизмат сафарига юборилиши мумкин.**

**Албатта, қонунчиликдаги бундай афзалликлар аёлларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.**

Muloqot

# МЕРОСГА КИМ ҲАҚЛИ?

***Ҳурматли таҳририят ходимлари!***

***Сизларга мурожаат қилаётганимнинг сабаби шуки, отам Косон шаҳар кенгаши ижроия қўмитасининг 1992 йил 27 майдаги 59/5 сонли қарори билан уйини менинг номимга расмийлаштириб берган эди. 2000 йилда у киши вафот этгач, қариндошларим уйни сотиб сингилларимга тақсимлаб бермоқчи бўлишди. Мен бунга рози бўлмадим. Аммо улар адвокат ёрдами билан судга мурожаат этишди. Натижада мен Фуқаролик кодексининг 1119-моддасига биноан меросдан маҳрум бўлдим. Энди буёғига қандай йўл тутишим керак?***

**Шаҳноза БАҲРОНОВА,**
**Қашқадарё вилояти, Косон тумани**

— Суд сизни Фуқаролик кодексининг 1119-моддаси, яъни нолойиқ меросхўрларни меросдан четлатиш моддасига асосланиб меросдан маҳрум қилган. Шу ўринда бу моддага батафсил тўхталиб ўтамиз: "мерос қолдирувчини ёки эҳтимол тутилган меросхўрлардан бирортасини қасддан ўлдирган ёки уларнинг ҳаётига суиқасд қилган шахслар васият бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга эмаслар. Васият қилувчи ўз ҳаётига суиқасд қилганидан кейин васиятнома берган шахслар бундан мустасно.

Мерос қолдирувчи ўзининг охирги хоҳиш-иродасини амалга оширишга қасддан тўсқинлик қилган ва шу орқали ўзларининг ёки ўзларига яқин шахсларнинг ворисликка чақирилишига ёхуд мероснинг ўзларига ёки ўзларига яқин шахсларга тегишли улуши кўпайтирилишига имкон яратган шахслар васиятнома бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Болаларига нисбатан ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилган ва мерос очилган пайтда бу ҳуқуқлари тикланмаган ота-оналар ана шу болалардан қолган мулкка ворис бўлиш ҳуқуқига эга эмаслар, шунингдек, мерос қолдирувчига таъминлаб туриш юзасидан қонунга кўра зиммаларига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаган ота-оналар (фарзандликка олувчилар) ва вояга етган болалар (фарзандликка олинганлар) қонун бўйича ворислик қилиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Нолойиқ меросхўрларни ворисликдан четлатиш учун асос бўладиган ҳолатлар бундай четлатиш келтириб чиқарадиган ворислик билан боғлиқ мулкий оқибатларга дахлдор шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан белгиланади.

Ушбу модданинг қоидалари васият мажбуриятига нисбатан ҳам қўлланилади. Ушбу модданинг қоидалари ҳар қандай меросхўрларга, шу жумладан, мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўрларга ҳам тааллуқлидир".

Ушбу ҳолатлар суд томонидан асослантирилган, асосли ҳолда амалга оширилган бўлса, сиз ушбу моддага мувофиқ меросдан маҳрум бўласиз. Агар ушбу моддадаги ҳолатлар юзага келмай туриб, суд сизни меросдан маҳрум қилган бўлса, сиз ҳам ўз навбатида адвокат ёрдамида қарши даъво аризаси билан судга мурожаат қилишингиз мумкин.

Diqqat, yangi kutubxona

***Яқинда таҳририятимиз фаолиятида янги ташаббусни амалиётга жорий этилди — «Бирлашган таҳририят кутубхонаси» туркумида китоблар нашр этиш йўлга қўйилди. Юридик фанлари доктори Мавжуда Ражабованинг "Жиноий жазоларни либераллаштириш: илмий ва амалий таҳлил" номли китоби ана шу туркумдаги дастлабки нашрлардан биридир.***

# БАРЧАГА ЗАРУР ҚЎЛЛАНМА




Китобга муаллифнинг матбуотда эълон қилинган бир қатор долзарб мақолалари жамланган.

Мазкур мақолаларда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар мазмун-моҳияти, хусусан, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши билан боғлиқ жараёнлар атрофлича таҳлил этилган. Ҳуқуқий демократик ва эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлаган мамлакатимизда истиқлол йилларида суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам тарихий ўзгаришлар рўй берди. Айниқса, жиноий жазоларнинг либералаштирилиши натижасида жиноят, жиноят ижроия кодекси каби қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, уларни халқаро мезонларга мослаштириш зарурати юзага келди. Мавжуда Ражабова йирик ҳуқуқшунос олим ва амалиётчи сифатида мазкур жараённи ҳар томонлама чуқур таҳлил этган, бу борадаги таклиф ва мулоҳазаларини билдирган. Хусусан, жазонинг мақсади ва мантиғи инсонни таҳқирлаш эмас, балки жавобгарликнинг муқаррар эканини англатиш, шу йўл билан жиноятга қўл урган шахсни маънавий тарбиялаш вазифасига муаллиф алоҳида эътибор қаратган. Жамият мақсади инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш экан, демак, ҳар бир қонун инсон манфаатларига хизмат қилиши зарур. Шу маънода ушбу китоб жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш, қонун ижодкорлигини ривожлантириш, амалиётда янги қонун меъёрларини жорий этишда муҳим аҳамиятга эга. Баён этиш усулининг аниқ ва оммабоплиги, мавзуларнинг долзарблиги суд-ҳуқуқ соҳасига қизиққан ҳар бир кишида қизиқиш уйғотиши шубҳасиз. Шу боис уни барча учун зарур қўлланма десак, адашмаймиз.

**Адиба ҲИДОЯТОВА**



*Фасли навбаҳор*

Mana bunisi qiziq...

***Тўғриси, эшитган қулоққа са-а-ал ғалати туюлувчи бу воқеа Россия Федерациясининг Нижегород вилояти, Сокольскый туманида содир бўлган. Бу ҳақда аввал туман, кейин вилоят ва мамлакат оммавий ахборот воситаларида ҳам кўп ҳамда хўп ёзилди. Россиялик ҳамкасбларимизнинг ёзишларича, ушбу фавқулодда "қобилият"га эга бўлган эчкини кўриш учун хориждан ҳам бир қанча мутахассислар ташриф буюришган экан.***

# "КАШАНДА" ЭЧКИ, "АРОҚХЎР" АЙИҚ...

Масаланинг моҳияти нимада, деяпсизми? Гап шундаки, Сокольскый туманида яшовчи деҳқонлардан бирининг уйида эчки болалади. Ҳа, оддийгина улоқчалар дунёга келди. Тўғри, бири-биридан тиниб-тинчимас улоқчаларнинг бу ёруғ дунёга "ташриф"и аввалига ҳеч кимни ҳайратлантиргани ҳам, эътиборини тортгани ҳам йўқ. Лекин...

Ҳамма гап мана шу "лекин"да!..

Деҳқоннинг шўх-шаддод фарзандлари ўзларидан ҳам шўхроқ улоқчалардан бирига "Петька", деб лақаб қўйишди. "Лақаб қўйишса нима бўпти", дейсизми? Оббо, шошмасдан охиригача ўқисангиз-чи. Шунда ҳамма гапни билиб оласиз, қўясиз.

Хуллас, тиниб-тинчимас болалар "Петька"ни тамаки чайнашга ўргатишди. Тўғри, "Петька" аввалига тихирлик қилди. Тамаки чайнашдан "бош тортди". Лекин кейинчалик бу "заҳри қотил"нинг кайфига ўрганиб қолди. Тарихий манбаларда одамзод ҳам ҳали тамаки тутуни кайфини билмаган пайтларда уни чайнаб "лаззат"лангани ҳақида ёзилган. Қолаверса, бизнинг давримизда ҳам Ҳиндистоннинг айрим вилоятларида тамакини чекиб эмас, балки чайнаб "кайф" қилувчилар бор. Лекин эчкининг "кайф" қилиши... Яна тамакисиз туролмайдиган "кашанда"га айланиб қолиши... Шубҳасиз, ҳар қандай одамни таажжубга солади.

"Петька" аввалига болалар берган тамакига "қаноат" қилиб яшади. Кейин эса болаларнинг оталари чўнтагидан ўғирлаб оладиган бир-икки дона тамакиси унинг нафсини "қондирмай" қўйди. У энди ўзига сўраб "чекиш", йўғ-ей, сўраб "чайнаш"ни одат қилди. Уни чекаётган одамлардан тамаки "сўраш" услуби ҳам ғалати. "Петька" аввалига тамаки чекаётган одамнинг олдига югуриб боради. Унга хушомад қилгандек, атрофида сакраб-сакраб ўйнайди. Агар тамаки чекаётган киши унинг талабини англаб етмаса, бирданига сузиб қолади. Бундай вазиятда киши ўзини ҳимоя қилади ёки қочиб қолишга уринади. Ҳар икки ҳолатда ҳам одам қўлидаги чекиб тугатилмаган сигаретани ўзи билмаган ҳолда ирғитиб юбориши табиий ҳол. Бизнинг "қаҳрамон"имиз эса қочаётган одамни қувлаб овора бўладиган аҳмоқ эмас. Бундай ҳолларда у "рақиб" ирғитиб юборган тамакини чайнаб "кайф" қилади.

Тўғри, "Петька" "машҳур" бўлиб кетгандан кейин "сўраб чайнаш"га ҳожат қолмади. Ҳамқишлоқ кашандалар ўзлари томон югуриб келаётган "Петька"ни кўрганлариданоқ унинг "мақсад"ини англаб етишади ва уни тамаки маҳсулоти билан "сийлашади". Узоқ-яқиндан уни томоша қилишга келувчилар-ку, эчки "сўрамаса" ҳам тамаки бериб, унинг ҳақиқатда ҳам, кашандами ёки йўқлигини синаб кўришга ҳаракат қилишади. Бу эса "қаҳрамон"имиз учун айни муддао.

Хуллас, сўнгги хабарларга қараганда, "Петька" лақабли "кашанда" эчки ҳозирча тамаки тақчиллигини ҳис қилаётгани йўқ...

### ...ВА ОТ!

"Бир томчи никотин отни ўлдиради", деган тахминни эшитмаган киши бўлмаса керак. Лекин орамизда камдан кам одам бу тахминни тажрибада синаб кўришга қўл урган. Келинг, сизга ана шундай ғаройиб тажрибалардан бири ҳақида ҳам сўзлаб берайлик.

Россия Федерациясининг Владимирскый вилоятида Глухово деб аталмиш қишлоқча бор. Аввалига ушбу вилоятда ана шундай ном билан юритиладиган қишлоқ борлигини биров билса, биров билмасди. Лекин кутилмаганда ушбу қишлоқнинг "довруғи" узоқ-узоқларга ёйилди. Қишлоқчанинг дунёга "машҳур" бўлиб кетишида, шубҳасиз, "Будулай" лақабли кашанда отнинг "хизматлари беқиёс" бўлди.

Ҳа, ҳа! Ҳеч бир ажабланманг! "Будулай" том маънодаги кашанда от! У "Петька"га ўхшаб тамакини чайнаб ўтирмайди. Худди сиз-у бизга ўхшаб чекади! Чекканда ҳам аралашига эмас, фақат "Беламор" чекади.

Тўғри, бу гап тарқалган пайтлари отнинг "кашанда"лигига кўпчилик ишонмади. Тиниб-тинчимаган ва эринмаган журналистлар эса Глуховога боришди. "Кашанда" отни ўз кўзлари билан кўришди. Суратга олишди. Катта-кичик, машҳур-номашҳур газета-журналлар саҳифаларида "Будулай"нинг "чекиб" турган суратларини ҳам чоп этишди. Ҳамкасбларимизнинг хизматлари туфайли Глухово қишлоқчаси, "Будулай" лақабли "чекувчи" от ва унинг эгаси "машҳур" бўлиб кетди.

"Кашанда" отнинг эгаси эса журналистлар ва қизиқувчиларнинг саволларига шундай жавоб беради:

– Мен ҳаддан ташқари кўп чекадиган кашандалар сирасига кираман. Бу ёқда чекишга қарши ташвиқотлар киши кўнглини хира қилади. Айниқса, "бир томчи никотин отни ҳам ўлдиради", деган тахминни ўқигач, ўзимни қўярга жой топа олмай қолдим. Ахир, тамакини қанча яхши кўрмайин, яшашни ундан ҳам яхши кўраман. Шунинг учун ҳам олимларимизнинг тахминларини "Будулай"да синаб кўришга қарор қилдим. Битта "Беламор"ни ўзим тутатсам, иккинчисини ёқиб "Будулай"нинг тишлари орасига қистириб қўяман. Аввалига тутун ҳиди ёқмади шекилли, у жуда безовта бўларди. Лекин у "чекиш"га жуда тез ўрганди. Ҳозир мен билан баббаравар "тутатади". Агар ўз вақтида унга сигарет бермасам, хумори тутиб, безовта бўла бошлайди...

### "АРОҚХЎР" АЙИҚ...

Яна ўша Владимир вилоятининг Петушинск туманида содир бўлган ғалати воқеа ҳам синчков журналистларнинг назаридан четда қолмади. Туманда "Давлатфильмжамғарма"нинг зообазаси жойлашган. Зообазада "истиқомат" қилаётган турли-туман жониворлардан фильмлар олишда фойдаланишади. Хуллас, бу ерда асосан тўрт оёқли "актёрлар" яшашади. Ушбу зообазанинг "машҳур" бўлишига унинг доимий "фуқаро"ларидан бири – "Потопыч" лақабли айиқнинг ароқхўрлиги сабаб бўлди. Унинг ичкиликка ўрганиб қолишига эса...

Келинг, яхшиси бу воқеани ҳам бир бошдан гапириб бера қолайлик.

Кўпчилигимиз яхши биламизки, ичкиликка муккасидан кетган одам ҳеч қачон бир ўзи ичмайди. Ҳатто ёнидаги сўнгги чақасига бир қултум ичкилик сотиб олган ичувчи ҳам ўзига улфат излайди. Биз ҳикоя қилаётган зообазанинг қоровулларидан бири ҳам ўзини ичкиликка "бахш" этган. Ҳар гал навбатчиликка келишдан аввал, албатта, қўйнига бир-икки шиша ҳалига "зорманда"дан солиб оларди. Кундуз куни-ку, иш жойида ҳам бир бало қилиб улфат топса бўларди. Аммо тунда бунинг иложи йўқ. Кўчадан шерик қидириш ёки ҳамшишаларини таклиф қилиш қатъий таъқиқланган. Мабода хўжайинлар тунда зообазага бегона киши кирганини сезиб қолишса, қоровулнинг ковушини тўғрилаб қўйишлари муқаррар.

Хўш, бундай ҳолатда нима қилиш керак?

Айнан мана шу савол анча вақтгача қоровулни безовта қилиб юрди. Иложсиз ишнинг ўзи йўқ деганларидек, бир тунда юз грамм отиб олган қоровул муаммонинг осонгина "ечим"ини топди. У энди ўзига кўчадан эмас, аксинча, зообаза "фуқаро"лари орасидан улфат қидира бошлади. Яхши-да, уларнинг ҳаммаси тил-забонсиз. Мабода сезиб қолишса ҳам хўжайинларга сотмайди. Хуллас, у "менга жониворлардан содиқроқ улфат йўқ", деган қарорга келди ва кечиктирмасдан ўз қарорини амалда "қўллаб" кўрмоқчи бўлди. Буни қарангки, бир неча жониворлардан кейин навбати келган айиқ бир стакан ароқни бир кўтаришда "симириб" юборди. Миннатдорчилигига эса ўзининг улфати – қоровулнинг қўлларини ҳам ялаб қўйди. Бу эса унга жуда ҳам ёқди. Одатда, бўкиб ичиб олган улфатлар ҳам худди шундай бир-бирларини ялаб-юлқашади...

Шундай қилиб айиқ қоровулнинг доимий "улфат"ига айланди. Энди у ҳар гал ўз навбати келганда, тўғри айиқнинг қафаси ёнига борар ва улар тонггача қоровулнинг топганини "баҳам" кўришарди. Буни қарангки, айиқ жонивор орадан бир-икки ой ўтар-ўтмас ҳақиқий ароқхўрга айланиб қолди. У энди бошқа қоровулларнинг навбатида безовта бўлар, тонггача ўкириб чиқарди. "Улфат"ининг навбатидан кейин эса кеч пешингача бошини кўтармасдан ухларди. Албатта, бу ҳолат зообаза раҳбарларининг назаридан четда қолмади. Ва ниҳоят, навбатдаги текширувлардан бирида "улфатлар қўлга тушди". Натижада айиқни ичишга ўргатган қоровул ишдан ҳайдалди.

– Ҳаммаси қоровул ишдан ҳайдалгандан кейин бошланди, – деб ҳикоя қилади зообаза раҳбарларидан бири. – "Потопыч" аллақачон ичишга ўрганиб қолган экан. У ҳеч кимнинг буйруғига бўйсунмас, худди қутургандек ўкирар, ишчиларга кеча-ю кундуз тинчлик бермасди. Шифокорларнинг маслаҳати билан унинг овқатига ароқ қўшиб бера бошладик. Буни қарангки, у ароқ қўшилган овқатни тановул қилган пайтлари тинчиб қолар, ароқнинг кайфи тарқагач, яна "тўполон" кўтаради. Жониворларга ажратилган бюджет маблағининг ҳар бир тийини ҳисобли. Биз белгиланганидан ортиқ ишлата олмаймиз. Айиқни овқатлантириш рационига эса ароқ киритилмаган. Агар "Потопыч"га ҳар куни ароқ олиб берсак, пулимиз тугаб қолади. Хуллас, ўйлай-ўйлай яна шифокорларга мурожаат қилдик. Бу гал уларнинг маслаҳати билан айиқнинг овқатига қўшиладиган ароқ миқдорини кундан кунга камайтириб бордик. Ва ниҳоят, орадан бир неча ой ўтиб, айиқ ичкилик балосидан бутунлай қутулди...

### ...ВА ЭЧКИ

Боголюбов туманида жойлашган жониворлар шифохонаси шифокори Валерий Тарановнинг "тажриба"си ҳам ўзига қимматга тушди. У касалланган эчкини ичкилик ёрдамида "даволаш"га аҳд қилди. Тўғри, аввалига ҳаммаси яхши кетаётган эди. Эчки бутунлай соғайиб ҳам кетди. Лекин...

Гап шундаки, эчки бутунлай ичкиликка ўрганиб қолган эди. Агар унга ҳар куни белгиланган вақтда ва белгиланган "доза"даги ароқ берилмаса, шундай "тўполон" кўтарардики, уни тинчитишнинг ҳеч бир иложи топилмасди. Ичкиликнинг зарари ҳақида "тушунтириш ишлари" олиб боришнинг фойдаси йўқлиги эчки эгаларига кундек равшан эди. Шифокор тавсиясига кўра, кунлик "доза"ни камайтириб бориш ҳам ҳам ҳеч бир наф бермади. Охир-оқибат эчкининг эгалари шифокорга "эчкиларининг ахлоқини бузгани ва ичкиликка ўргатгани" учун судга мурожаат қилмоқчи эканликларини маълум қилишди.

Ўзини айбдор ҳисоблаган Валерей эчкини эгалари айтган нархда сотиб олишдан бошқа чора топа олмади. Харид қилган кунининг эртасигаёқ у ўзининг "собиқ бемор"ини қассоб қўлига топширди. Буни қарангки, ароқнинг ҳиди унинг гўштига ҳам "ўтириб" қолган экан...

### "ПИВОХЎР" МАЙМУН

Қуйидаги воқеани ўқисангиз, "Нима бало, одамзод ўзида бор қусурларни жониворларга ҳам юқтиришга аҳд қилганми?" — деган фикрга боришингиз шубҳасиз. Головино-Судогод туманидаги бир кишининг уйида "Яшка-қизил макак" лақабли маймун яшайди. У ўтакетган пивохўр. Аввалига эгалари унга пивони кўп ҳаракат қилмаслиги, зерикмаслиги ва янги жойга тезроқ кўникиши учун "даволовчи" восита сифатида беришган эди. У эса тез орада пивосиз туролмайдиган бўлиб қолди. Пиво эса ҳар бир оилада ва ҳар куни бўлавермайди.

Кунларнинг бирида "Яшка-қизил макак" яшаётган хонадонда ҳам пиво тугаб қолди. Пивохўр маймун эса буни "тушуниш"ни истамади. У тинимсиз ирғишлар, чийиллар, хуллас, хўжайинлардан ўз "доза"сини талаб қиларди. Пиво топишнинг иложи бўлмагач, хўжайин унга бир қадаҳгина ароқ беришга қарор қилди. Маймун ароқни ичди. Сўнг шошилмасдан нон билан газак қилди. Орадан ўн-ўн беш минут ўтгач, у шу даражада қутуриб кетдики, маст маймунни тинчитгунча хўжайиннинг эси кетди. Тўғри, шу воқеадан кейин маймунга умуман ароқ бермай қўйишди. Лекин ҳозирча унга пиво ичишни «ташлатиш»нинг йўлини ҳам топа олмаяпти...

**Ислом ҲАМРО тайёрлади.**

# ҲАСАД ЎТИ

**СУД ОЧЕРКИ**

***(Давоми. Боши учинчи бетда)***

Афсуски, Шуҳрат бундай одамийлик русумига риоя қилмади. Поччасининг ўлими, опасининг бева қолгани ҳам унинг юрагидаги адоват ўтини ўчирмади. Энди у отасиз қолган, эндигина 19 ёшни қоралаган жияни Шерзодни қандай қилиб бўлмасин гумдон қилиш пайига тушди.

Шу ўринда ўз-ўзидан поччасига нисбатан аслида тағи пуч адоватни эндигина балоғат ёшидан ҳатлаган жиянига нима дахли бор эди, деган савол туғилиши шубҳасиз. Жавоб эса оддий: У ҳам бўлса ўзганинг мулкини қўлга киритиш, бойликка ҳирс қўйишдан иборат эди. Шуҳратнинг топиш-тутиши ҳеч кимникидан кам эмасди. Фақат унга қаноат етишмади. "Менинг нафсим балодир, ёнар ўтга соладир" деганлари шу бўлса керак-да.

### II. ҚОРОНҒИДА ТОПИШГАН ҲАМТОВОҚЛАР

Шуҳрат ўзига ҳамтовоқларни қаердан топишни аслида яхши биларди. Шунинг учун бўлса керак, у ўзи ишлайдиган Янгийўл туманининг Гулбаҳор қўрғонидаги пивохонада ўтирганларни обдан кузатгач, улардан бирини кўз остига олиб қўйди.

Эртаси куни пиво ичиш баҳонасида атайлаб, танлаган одамининг олдига келиб ўтирган Шуҳрат унинг кўнглига қўл солиб кўрди. Вақтинча ҳеч қаерда ишламай санқиб юрган Ерлан Бакиров айнан у излаган одам бўлиб чиқди. Шуҳрат унга хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, янги танишининг оилавий аҳволини, яшаш шарт-шароитини билиб олди. Сўнгра атайлаб ёнидан бир даста пул чиқариб, пивонинг ҳақини тўлади. Пулларни кўриб кўзи ўйнаб кетган Ерлан ундан 10.000 сўм қарз бериб туришни илтимос қилди. Шуни кутиб турган Шуҳрат унинг қўлига 20.000 сўм берди ва шундай деб қўшиб қўйди: — Хоҳласанг, жуда кўп пул ишлаб олишинг мумкин. Лекин бунинг учун жиддий бир ишни бажаришинг лозим.

— Пул бўлса, ҳар қандай ишни қилавераман, — деди Ерлан.

Улар тез орада учрашишга ваъдалашиб ажралишди. Иккинчи учрашувда Шуҳрат дангал мақсадга кўчди: — Елланма қотиллик қўлингдан келадиган бўлса, автоуловларни олиб қочиб, эҳтиёт қисмларга бўлиб сотиш билан шуғулланардик. Тезда бойиб кетардик. Сен қарзларингдан ҳам қутуласан...

— Ўйлаб кўришим керак, — деди бу гаплардан довдираб қолган Ерлан.

— Нимадан қўрқасан, — деди бамайлихотир Шуҳрат, — Жиноятинг ҳеч қачон очилмайди.

Ерланнинг иккиланаётганини кўрган Шуҳрат уни қўрқитишга ўтди.

— Ниятимни билиб олдинг, — деди у. — Энди орқага йўл йўқ. Энди мендан қутулолмайсан. Керак бўлса, кўчада юролмайдиган қилиб қўяман.

Ерлан бу гап-сўзларни нарироқда кузатиб турган қайниси Темур Бобоёровга бироздан сўнг оқизмай-томизмай айтиб берди.

— Рози бўлаверинг, почча, — деди Темур, — Чинозлик Мақсуд деган танишим бор. Қамалиб чиққан. У ҳеч нарсадан қайтмайди.



Орадан бир неча кун ўтиб, пивохона ёнида Шуҳрат билан учрашган Ерлан "хизматга тайёр" эканини айтди.

Шуҳрат Ерланга бир йигитнинг суратини кўрсатиб, уни гумдон қилинишини буюрди. Бу йигит жияни Шерзод эди.

Суратдаги йигитчага разм солиб, унинг ўспирин эканини фаҳмлаган Ерлан нима учун ишга қўл ураётганини сўради.

— Бу ёғи сенинг ишинг эмас, — деди овози титраб Шуҳрат суратни яна чўнтагига қайтариб солиб қўяркан. — Сен буюртмани бажаряпсан. Бунинг учун мен сенга 5.000 АҚШ доллари тўлайман.

Шундан кейин Шуҳрат суратдаги йигитни қаердан топиш кераклигини тушунтириб, унинг "Нексия" русумли автомашинасининг давлат рақамини айтаркан, қўшиб қўйди: — Болани қандай қилиб "гумдон" қилишни ўзларинг биласизлар. Фақат "Нексия"ни "иш" битгандан кейин артиб-суртиб Янгийўл туманига ташлаб кетасизлар. Мабодо мен тўғримда гуллаб қўйсаларинг, ўзларингга жабр бўлади...

### III. ҚОТИЛЛИК ЁКИ "ЖИЯН ОПЕРАЦИЯСИ"

Ўша куни ҳеч нарсадан хабари йўқ Шерзод Каримов автомашинасида бекатда мижоз кутаётган эди.

Тахминан кечки соат 19.00 ларда Шерзоднинг олдига икки киши келиб, Жиззах вилоятига олиб бориб келишни илтимос қилди. Гап орасида мижозларнинг ёши каттароғи йўл-йўлакай Янгийўл туманидаги уйига кириб, кийиниб чиқиши кераклигини айтди.

Шерзод уларнинг илтимосига рози бўлди ва улар йўлга тушишди.

Айни шу вақтда жиноий тўданинг яна бир иштирокчиси Мақсуд ваъда қилинган 300.000 сўм пул учун маҳкумни бўғиб ўлдиришга мўлжалланган арқонни тайёрлаб, Ерланнинг уйида кутиб ўтирарди. Бир соатдан кўпроқ вақт ўтса-да, кийиниб чиқишга улгурмаган мижозини кутиб, меҳмонхонада телевизор томоша қилиб ўтирган Шерзод хотиржам эди. Ҳал қилув паллада Мақсуднинг "панд" бериб қўйгани вақт чўзилишига сабаб бўлганди.

— Бу иш қўлимдан келмайди, — деди у ошхонада арқонни столга қўяркан.

— Бошданоқ сенга ишонмагандим, — деди зарда билан Ерлан. — Менинг ҳам қўлимдан келмайди. Шунинг учун сени чақиргандим.

"Операция" барбод бўлишини сезган Ерлан қандай қилиб бўлмасин бошлаган ишни охирига етказиш учун чора қидира бошлади. Кейин у тезда ташқарига чиқиб, 2 шиша ароқ ва 2 шиша пиво олиб келди.

Шишаларни бўшатишгач, учаласи ҳам дадил бўлиб қолишди. Заҳри-қотил ўз ишини қилди. Боягина бу иш қўлимдан келмайди, деган Мақсуд арқонни олиб, стулда ўтирган Шерзодни орқасидан бўйнига арқон ташлади-да, унинг чалқанчасига йиқитди. Ҳали навниҳол Шерзод уч нафар барзангига бас келолмади...

Қотиллар вақт ярим кечадан оққанда мурдани ўзининг машинасига ортиб, шу

Jinoyat va jazo

ўртадаги ариқ бўйига олиб келишди-да, қорнига олдиндан тайёрлаб қўйилган темир бўлагини боғлаб, сувга чўктириб юборишди. Кейин жиноятчилар шу ернинг ўзида олдиндан тузилган "режа"га ўзгартириш киритишди. Улар "Нексия"ни қўшни мамлакат ҳудудига олиб ўтиб, сотиб юборишга қарор қилишди.

Қотиллар ўтирган автомашина Зангиота туманидан айланма йўллар орқали қўшни республикага эсон-омон ўтиб олган бўлса-да, йўлда ҳалокатга учради. Натижада енгил тан жароҳати олган жиноятчилар "Нексия"ни ўша жойда қолдириб, орқа томондан давлат рақамини ечиб олиб, ҳужжатлари билан сувга ташлаб юборишди. Сўнг йўловчи машина ҳайдовчисидан чегарагача элтиб қўйишни илтимос қилишди.

### IV. СИР ОЧИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар вазирлиги ва Қозоғистон Республикаси полицияси ходимларининг ҳамжиҳатликда олиб борган тезкор ҳаракатлари туфайли бу чигал жиноят орадан 10 кун ўтар-ўтмас тўлиқ фош қилиниб, барча жиноий тўда иштирокчилари, жумладан, собиқ милиция ходими Шуҳрат Акромов ҳам қўлга олинди.

Бундан ташқари, Ш.Акромовнинг уйини кўздан кечириш вақтида ўқотар қурол ўқдорилари, унга тегишли милиция кийими чўнтагидан эса Шерзоднинг кичик ҳажмдаги фотосурати топди. Вақти келиб қора курсига ўтириш етти ухлаб, тушига ҳам кирмаган Шуҳрат жазо муқаррарлигини сезгач, судни чалғитишга ҳам уриниб кўрди. Лекин далил-исботлар буни мутлақо аксини кўрсатиб турарди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди 2004 йил 12 феврал куни мазкур жиноят ишини очиқ суд мажлисида кўриб чиқди. Судланувчилар Шуҳрат Акромов, Ерлан Бакиров, Темур Бобоёров, Мақсуд Аҳмедов узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Суд ўзининг одил ҳукмини чиқарди. Лекин шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтиш лозим. Гап шундаки, марҳумнинг айрим яқин қариндошлари суд мажлисида Шуҳратнинг ёнини олишга ҳаракат қилишди. Бу юз-хотирчиликми ёки жиноятни хаспўшлаш? Улар бу билан самимият, меҳр-оқибат, қариндош-уруғчилик деган тушунчаларни паймол қилишмадимикан? Қолаверса, шундай тубанликка қўл урган кимса оқловга лойиқмикан?

Бу каби кўпдан-кўп саволлар ҳар кимнинг виждонига ҳавола.

**Х.ШЕРМУҲАМЕДОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Рустам ХУДОЙҚУЛ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

**ИНСОН ва ҚОНУН**

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Пўлат САМАТОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Хуршид СОДИҚОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

**Индекс: 646882**

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-215. Тиражи — 7034. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

2 3 4 5